

## ШАХСНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПСИХОФОРМАКОЛОГИЯ: ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТ

Садриддинов Сухроб Рустамжонович

TIFT университети

Педагогика психология кафедраси доценти,

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Ҳакимова Мехрибон Шавкатовна

Тошкент фармацевтика институти 5-босқич талабаси

Инсоннинг фаолият субъекти сифатида ўзига бўлган муносабати, динамик мазмун касб этиб “Шахснинг психологик назарияси”да ижтимоий, маданий, диний, ҳуқуқий, тиббий каби жиҳатлари ўрганиб келинмоқда<sup>1</sup>. Бу йўналишда формкологик таъсир кўрсатиш масаласи тиббий-психологик жиҳатдан алоҳида ўрганилиши долзарб мазмун касб этади. Психология тарихидан маълумки психологик диагностиканинг пайдо бўлиши ва амал қилиши Абу Али Ибн Синонинг фаолияти билан боғлиқ, психология тарихини ўрганиш бўйича етук мутахассис М.Г.Ярошевский Ибн Синонинг фаолиятидаги бу ҳодисани илк психологик диагностиканинг амалиёт билан боғланганлиги тарзида баҳолайди<sup>2</sup>. Психологик баҳолаш тизимида психодиагностик баҳо ҳамда амалий-психологик ёрдам кўрсатиш натижасини баҳолаш бевосита психологик хизмат кўрсатишнинг сифати билан боғлиқ. Бунда, дори-дармон воситасида таъсир кўрсатиш ҳамда инсонни (беморни) дори-дармонга боғланиб қолишидан халос этиш масаласи ўз тарихига эга эканлигини инобатга олиш лозим. Дори-дармон ва биологик фаол воситаларни психик фаолиятга таъсири “Инсон - Касаллик (оғриқ) - Дори-дармон – Тиббиёт ходими” тарзидаги интегратив таркиблардан иборат бўлган муносабат ўзида:

- а) ижтимоий-психологик;
- б) формакологик;
- в) кимёвий;
- г) ижтимоий-тиббий кабиларни ифода этади.

Формакологик жиҳат – ижтимоий-психологик нуқтаи назардан дори-дармон ва биологик фаол моддаларни психик фаолиятни таъминлашни назарга тутиб, психологик таъсир кўрсатиш учун реклама ва врачнинг дори-дармон ва биологик воситалардан фойдаланишга доир bemorga берган установкаси даволаниш жараённинг динамикасига, аниқроғи bemorni психологик ҳолатига

<sup>1</sup> Хъелл Л., Зиглер Д. Теории личности. - СПб.: Питер, 1997-2008.

<sup>2</sup> Ярошевский М.Г. История психологии от античности до середины XX в: Учеб. Пособие. - М., 1996. – 416 с.

бевосита таъсир кўрсатади. “Сиз нечи йилдан бери беморлар рўйхатида турасиз?” деган саволга “5 йилдан кўпроғ” деган респондентлар 48,0%ни ташкил этган. Уларнинг кўрсатиб ўтишича дори-дармондан фойдаланишда даъволовчи врачнинг “муолажадан кейин ижобий ўзгаришлар катта”, “дори-дармоннинг таъсири кузатилияпти” тарзидаги установкалари беморнинг психик жараёнининг фаоллашувига таъсир кўрсатади. Тадқиқотда қатнашган 22,0 % респондент умри давомида “йилига бир маротаба ёки икки маротаба врачга мурожаат қилган”ликларини таъкидлаган. Уларнинг кўрсатиб ўтишича дори-дармон рекламасида касаллик диагнози ва шифо топиш воситаси сифатида аниқ дорини ёки биологик воситаларни кўрсатиб ўтилиши кўпинча ижобий таъсир кўрсатади. Бизнингча бу тоифадаги респондентлар жисмоний соғлиқ қадрият сифатида ёндаша олмайдилар. Ёки уларнинг ҳаёт тажрибасида жисмоний соғлиқ масаласи долзарблашмаган бўлиши мумкин. Жамиятда соғлом турмуш тарзи ижтимоий-маданий ҳаракат даражасида, аникроғи соғломлаштиришнинг оммавий кўриниш шаклида кенг тарғиб қилинаётган бир даврда жисмоний соғлиқ қадрият эканлигини фуқаролар тамонидан англаанглиги соғломлаштиришнинг муовфақиятли кечишини таъминлайди. Турли касаликлар билан шифокорга мурожаат қилувчи (30,0%) респондентлар шифокорларнинг “доимий назоратида” бўлганлиги сабабли касаллик тарихини чуқур билишлари билан бирга, даволаниш соҳасида кузатилаётган янгиликларга шунчаки дори-дармонларнинг истеъмолчиси сифатида ёндашмасликларини билдирган. Бу респондентларда шифокорнинг кўрсатмаларига қатъий амал қилиш билан бирга, бошқа бир беморнинг ҳолатига ёки дори-дармонларнинг рекламасининг тъсирига амал қилган ҳолда ўз соғлиғига муносабатда бўлиш ифодаланмаган. Ижтимоий-психологик жаҳатдан мазкур хусусият врачнинг кўрсатмасиз ҳамда унинг назоратисиз дори-дармон ва биологик таркиблардан иборат бўлган воситаларни қабул қиласликларни тиббий маданиятнинг белгиси тарзида эътироф этиш мумкин. Жамиятимизда тиббий-маданиятнинг шакилланишига алоҳида эътибор берилаётган бир даврда “Инсон - Касаллик (оғриқ) - Дори-дармон – Тиббиёт ходими)” каби ижтимоий муносабатлар тизимини эволюциясини атTRACTORI (тизимнинг келажакка йўналтирилган барқарор ҳолати) саналади.

Дори-дармонлар ва турли биологик воситалар асосида дунёнинг турли ҳудудларида оммавий заҳарланиш, ўлиш, умрбод ногирон бўлиб қолиш ёки қўшимча оғриқ (касаллик) ортириш ҳолатларининг кузатилиши бу масалани ижтимоий-психологик жиҳатдан алоҳида ўрганишни талаб этади.

Манбаларнинг илмий таҳлили шундан далолат берадики<sup>3</sup>, шахс камолотини таъминлашда интеллектнинг моҳиятига кам эътибор қаратилади. В.Г.Ананьевнинг шахс тузулиши моделига доир бўлган ёндашувида “Интеллект назариясида шахснинг ижтимоий ва психологик характеристикасига алоҳида эътибор қаратилмаганлиги<sup>4</sup>” кўрсатиб ўтилган бўлиб, интеллектуал функцияниң бажариши бевосита онгли ҳаракатлар кетма-кетлигининг мазмун ва моҳиятини белгилайди. **“Касаллигингиз бўйича маълумотларни кимдан ва қайси воситалардан оласиз?”** деган саволга доимий тарзда врач кўригida турувчи респондентлар “Умумий маълумотларни дори-дармон рекламаси ва алоҳида илмий нашрлардан олиш”ларини кўрсатиб ўтган. Жавобнинг мантиғидан кўриниб турупдики, интеллектуал функция беморни ўзига, шифокорга ҳамда дори-дармон воситасига бўлган муносабат мазмунини тамиnlайди. Йиллига бир ва икки маротаба шифокорга мурожаат этувчи респондентларнинг жавоби тиббий маданиятни шакиллантириш жиҳатидан масалага мажмуавий тарзда ёндашишни талаб этади. Уларнинг “дори-дармон ва биологик қўшимчаларнинг рекламаси ва уларни истеъмол қилганларнинг фикри”ни инобатга олган ҳолда истеъмолчи сифатида дори-дармон ва биологик қўшимчаларни истеъмол қилишлари ижтимоий муаммо саналади. Реклама ва реклама қилаётган маҳсулотдан фойдаланган субъектларда у ёки бу салбий қўзгатувчиларнинг таъсирига тушмаслик ҳолати кузатилмаганлиги мумкин. Ваҳоланки ҳар қандай субъектнинг функционал ҳолати ўзига хослиги билан ажralиб туради. Индивидуалликнинг тиббий-психологик хусусияти ҳам шунда ифодаланади. Е.И.Головаха “Ҳаёти режа ҳаёт мақсадини тадбиқ этиш воситаси саналади, уларни аниқ тартибот асосида ифодаланиши эса, келажакда эришиладиган мақсад учун ориентир саналиши<sup>5</sup>”ни таъкидлаб ўтган. Е.И.Головаха инсоннинг ҳаёт-фаолиятини таъминлашда ижтимоий омилларнинг таъсир даражаси устувор эканлигини назарда тутган. Беш йил ва ундан ортиқ вақт давомида шифокорларнинг ёрдамидан фойдаланиб келаётган респондентлар “Менга ўхшаган bemorlar ва dorixona mutahassislaridan” маълумот олишларини кўрсатганлари, bemorda shifo topish учун амалга ошириладиган ҳаракатларининг мақсадини шакилланишида ташқи омиллар устуворлиги кузатилаётганлигини кўрсатади.

<sup>3</sup> Stephen M. Stahl. “Psychopharmacology of Antidepressants”. Publisher: Martin DunitzLtd. - 1998. - 114 p., Барденштейн Л.М. Основы психофармакотерапии: учебное пособие для студентов медицинских ВУЗов / Л. М. Барденштейн, Я. М. Славгородский, А. В. Молодецких, Г.А. Алешкина; Московский гос. мед.-стомат. ун-т им. А.И. Евдокимова. – Москва: РИО МГМСУ. – 110 с.

<sup>4</sup> Куликов Л.В. Психология личности в трудах отечественных психологов: Хрестоматия. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2009. – С.96

<sup>5</sup> Головаха Е.И. Жизненная прспектива и профессиональное само-определение молодежи. - Киев, 1988.

Шахсни ривожлантиришга доир турли хил назариялар яратилган бўлиб, бизнинг фикримизча бу масалага интегратив тарзда ёндашиб, индивидуал-шахсийликни ҳамда номаълум вазиятларнинг таъсир даражасини инобатга олишни таъминлайди. Инсон олий қадрият эканлиги жамиятимизда тиббий-маданиятни шакиллантиришнинг навбатдаги фазаси доирасида дастурий ишлар олиб борилаётган бир даврда, психоформакологик тадқиқотларда инсонга қадриятли ёндашиш, психик жараёнлар фаолиятини тезлашувида дори-дармон ва биологик воситаларнинг таъсири, жисмоний оғриқ ва индивидуал ирода кучи, bemor ва шифокорнинг психологик установкаси, bemorni ўзига бўлган муносабатининг динамик ўзгариши ва унинг яқинларини bemorga бўлган муносабатини психологик тестлар ёрдамида ўрганиш мақсадга муофиқдир.

